

## Таом тайёрлаш танлови

Таом баданнинг қуввати бўлибгина қолмай, балки талабаларнинг пазандалик 2018 - йил 16 - феврал куни Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти 3 - талабалар турар жойида буюк аждодимиз, шоҳ ва шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 535 йиллигига бағишлаб ТТЖ да яшовчи талабалар ўртасида “Қовоқ сайли” пазандалик мусобақаси ўтказилди. Тадбир талабалар турар жойи раҳбарияти, 3 - Талабалар турар жойи педагог-тарбиячиси Азиза Хайитова, Ёшлар иттифоқи фаоллари томонидан ташкил қилиниб юқори савияда ўтиши таъминланди. Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, тадбирда ошпаз йигитларимиз ҳам фаол қатнашишди.

Талабалар халқимизнинг дастурхонида севиб истеъмол қилинадиган қовоқдан тайёрланган миллий таомларимизни тайёрлашиб ўз факультети номидан иштирок этишди. Тадбирга барча факультет деканлари, декан муовинлари, бир қанча профессор-ўқитувчиларимиз ташриф буюришди.

Мусобақа бешта йўналиш бўйича ҳакамлар томонидан одилона баҳоланди. Баҳолашда фаол иштирок этган талабаларнинг меҳнатини инобатга олиб 1 та биринчи ўрин, 2 та иккинчи ўрин, 3 та учинчи ўрин эгалари ҳакамлар томонидан аниқлаб олинди.



### **1-ўринга ЕФ ва ЕК факультети жамоаси**



### **2-ўринга ҚСХЭА факультети ва ГТҚ факультети жамоаси**



**3-ўринга ҚХМ факультети, ГИМ факультети, И ва М факультети жамоаси муносиб деб топилди. Ҳолиб ва иштирокчиларга диплом, ташаккурнома ҳамда эсдалик совғалари топширилди.**

Тадбирни ташкил этишда яқиндан амалий ёрдам берган институтимиз маънавий-маърифий ишлар бўйича проректор Қ.Шовазов ҳамда институт ёшлар иттифоқи етакчиси А.Бердимуродовга талабалар номидан миннатдорчилик билдирилди.

**3 - талабалар турар жойи педагог-тарбиячиси Азиза Хайитова ахбороти**

**Институт матбуот котиби Раҳимбой Жуманиёзов**